



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqib boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТИНЧЛИК, МАЪРИФАТ ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ 43-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Мухтарам Раис жаноблари! Жаноби олийлари, хурматли вазирлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар! Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракатуҳу.

Авалло, сиз, азиз меҳмонларни, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва кузатувчи макрамга эга мамлакатлар делегациялари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири кенгаши 43-сессиясининг барча иштирокчиларини Ўзбекистон заминидан кутлаш ва сизларга самимий хурматини билдиришга ихозат бергайсизлар.

Бугунги кунда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича энг нуфузли ва йирик институтлардан бири бўлган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу муҳим анжуманини ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахти — Тошкент таллангани учун чин дилдан миннатдорлик билдирамиз.

Ушбу сессия муқаддас ислом қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мусулмон халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг ривожланиши ва фаровонлигига кўмаклашишдек эзгу мақсадларга эришиш йўлида муҳим қадам бўлишига ишонамиз.

Мазкур форумга тайёргарлик доирасида эришилган ўзаро ҳамкорлик натижаларидан мамнунмиз. Бу борада Бош котибият ва шахсан унинг раҳбари жаноб Ияд Маданий, ташкилотга аъзо давлатлар томонидан амалга оширилган самарали ишлари, бунда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳи намойён бўлганини юксак қадрлаймиз.

«Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» мавзуси 43-сессия кун тартибининг асосий ғояси этиб белгилангани чуқур рамзий маънога эга. Бу ғоя «Бешикдан қабргача илм изла» деган машҳур ҳадисга ҳамроҳдир. Ушбу мавзу қатъий таърифага эга бўлган, буюк давлат арбоби сифатида узоқни кўра оладиган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан, Аллоҳ у кишини раҳматига олсин, дунё халқлари, ўз халқи тақдири, бугунги мураккаб шароитда муқаддас динимизнинг аҳамияти ҳақидаги чуқур мулоҳазалар натижаси сифатида тақлиф этилган эди.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишига интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Айнан таълим ва маърифат баъшарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, шовхотли, сабр-қаноатли бўлишига ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шуни ўргатади. Бундай ёндашув — давр талабидир. Хурматли сессия иштирокчилари! «Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» шiori Ислом ҳамкорлик ташкилотининг бугунги анжумани мавзуси этиб белгилангани бежиз эмас. Негаки, мазкур анжуман сизу бизнинг буюк аждодларимиз киндик қони тўкилган Ўзбекистон заминидан бўлиб ўтмоқда.

Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Каф-

фол Шоший, Баҳоуддин Накшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий ва бошқа кўпгаб даҳлат номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган.

Ислом оламида Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари тўпламининг ишончли манбаи деб эътироф этилган «Ал-жомий ас-сахих» тўплами «барча муқаддас устози» бўлмиш Имом Бухорийнинг кўп йиллик фидокорона изланишлари самарасидир. Ун икки асрдирки, ушбу асар аҳамиятига кўра, муқаддас Куръондан кейин ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба бўлиб қолмоқда. Нафақат бизнинг юртимиз, балки бошқа мамлакатлардан ҳам минглаб, миллионлаб мусулмонлар бу табаррук зот туғилган Бухорий шариғга бориб ва унинг Самарқанддаги қабрини зиёрат қилишга интилиши бежиз эмас, албатта.

Х асрда самарқандлик мунофаккир, «Имом ал-Худа» (Хидоят йўлининг имоми) деб шуҳрат қозонган Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган Мотуридий таълимоти бутун ислом оламида кенг тарқалган. Мотуридий таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу, ўз навбатида, ушбу таълимнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Бундай ғояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда.

Буюк тарихда ҳеч нарса исзис кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намойён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни ас-

раб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиши хавфи юзага келаятган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли, менинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Азаали қадриятларимиз ва ахлоқий қадриятларни ўзда мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом — ҳақиқатни англаш демакдир, у оданозтни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка қорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

Биз Ислом динидан эъравлонлик ва хунрезлик мақсадларида фойдаланишга уриналётган кимсаларни кескин қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Муқаддас динимизни доимо ҳимоя қиламиз. Халқимиз атеистик мустабилдикдан озод бўлгандан кейин, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аждодларимизнинг муқаддас дини бўлган исломнинг жамиятимиздаги ўрнини қайта тиклаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

1999 йил Тошкентда Марказий Осиёда биринчи Ислом университети очилди. Мамлакатимизда 10 та диний таълим муассасаси, жумладан, Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ўқув юрти фароият кўрсатмоқда. Уларнинг икитаси хотин-қизлар ўқув муассасасидир.

Ў (2).

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири кенгашининг Тошкентда ўтган 43-сессияси иштирокчилари 19 октябр куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Самарқандга ташриф: ҳайрат ва ҳавас

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Куръон тиловат қилинди.

Буюк Йўлбошчимизнинг мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва уни ҳар томонлама ривожлантиришдаги беқиёс хизматлари ёдга олинди. Юртимиздаги муқаддас қадамжов ва зиёратгоҳлар, буюк аждодларимиз номи билан боғлиқ масканларни обод этиш, халқимиз-

нинг маънавий меросини тиклаш ва асраб-авайлаш борасида Биринчи Президентимиз улкан жасорат, эътибор ва гамжўрлик кўрсатгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Мирзо Улугбек музейи ва расадхонаси билан танишди.

Ў (2)

Ўзбекистон маданияти Жанубий Кореяда намойиш этилди

СЕУЛ. 19 октябр. ЎЗ махсус мухбири Нодира МАНЗУРОВА хабар қилади.

Корея Республикасининг пойтахти Сеул шаҳрида «Itaewon Global Village Festival — 2016» халқаро маданият фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг маданият, санъат ва сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти кенг намойиш этилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида Ўзбекистон иқтисодиёт, маданият, санъат, спорт, сайёҳлик ва бошқа жабҳаларда катта салоҳиятга эга мамлакат сифатида дунёга танилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бормоқда. Фан, таълим, санъат, спорт, туризм каби қатор йўналишлардаги ҳамкорлик изчил ривожланимоқда. Икки мамлакат санъаткорлари Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда ўтказиладиган маданият ва санъат анжуманларида мунтазам иштирок этмоқда.

Ў (2).

4 декабр — сайлов кун

2016 йил 19 октябр куни Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган 300 га яқин делегат қатнашди.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

Съезд иштирокчилари 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа эканлиги, унда ЎзЛиДеПнинг фаол иштирок этиши лозимлигини қайд этди.

Анжуман қатнашчилари таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам асослари яратилди. Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтиш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Қонун устуворлиги, кўппартиявийлик, демократик сайловлар мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётининг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Съезд иштирокчилари томонидан юртимизда ҳар томонлама ўзини оқлаган ислохотларнинг давомийлигини, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бориш вакилик органларида энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган етакчи сиёсий куч сифатида ЎзЛиДеП учун бундан буён ҳам асосий мақсад бўлиб қолиши таъкидланди.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ЎзЛиДеПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, ўтган йиллар давомида юртимизда амалга оширилган ривожланиш йўлини янги, юксак босқичга кўтаришга қўдр, ислохотларнинг туб моҳиятини аниқ билдирган, уларни амалга ошириш жараёнининг фаол иштирокчиси бўлган, халқ тақдирини ўз тақдири билан ҳамбарчас боғлаб, доимо эл-юрт тавиши билан ишайдиган, ташаббускор ва ташкилотчи шахс номзодини илгари суриш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Ана шу ҳолатларни ҳамда съезд делегатларининг чиқишларида ўз аксини топган сайловчилар ва кўп сонли партия электорати вакиллари фикрларини инобатга олган ҳолда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-Либерал демократик партиясининг съезди бўлажак сайловда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кенг миқёсда ислохотларни амалга ошириш, мустақил давлатчилик асосларини барпо этиш ва мустаҳкамлашда, бозор тамойиллари асосланган мутлақо янги иқтисодий тизимни шакллантиришда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовга узоқ йиллар елкадош бўлиб ишлаган, ўзининг бутун меҳнат фаолиятини Ватанимиз равнақига бағишлаб келаятган инсон, ўзининг амалий фаолияти билан юртдошларимиз орасида ҳақли равишда катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозонган, партия Сиёсий Кенгашининг аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тадбирда ЎзЛиДеП томонидан кўрсатилаётган номзод шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган сайловда халқимиз томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдирилди.

Съездда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловдаги дастурининг асосий йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Съезд қарорига кўра ЎзЛиДеП қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партия номзодини рўйхатга олишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мувожаат этади.

Съездда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Съезд якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди.

ЎЗД

АВИАЦИЯ ҲОДИСАСИГА ДОИР ХАБАР

2016 йил 18 октябр куни Фарғона вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг режа асосида парвоз қилган Ми-171 вертолётни ҳалокатга учради. Ҳалокат оқибатида 3 экипаж аъзоси ва вертолётда бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 6 ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлди.

Авиаҳалокат сабабларини текшириш бўйича махсус комиссия ташкил этилди.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати

Ў (3).

Раёсат йиғилиши

Изчил ва самарали фаолият манфаатлар устуворлигини таъминлайпти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Касаба уюшмалари Федерациясининг 2016 йилнинг 9 ойи давомидаги фаолияти таҳлил этилди. Асосий эътибор меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш, мазкур жараёнда инсон омилига эътиборни янада кучайтириш масалаларига қаратилди.

Раёсат йиғилишида қайд этилганидек, ҳисобот даврида жорий йил бошида белгилаб олинган фаолиятнинг устувор йўналишларидаги ишларни амалга ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилишига эришилди. Жумладан, меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тақомиллаштириш юзасидан 100 дан зиёд тақлифлар берилди. Эътиборли томони, касаба уюшмалари мутахассислари «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги Қонуни Касаба уюшмалари ҳаракатининг тадрижий ривожланиши, ходим-

ларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлашга хизмат қилди. Қонун амал қилган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзолигига (1992 й.), Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро касаба уюшмалари ташкилотлари Конфедерацияси ассоциацияланган аъзолигига (2015 й.) қабул қилинди. Шунингдек, республика касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи 16 та халқаро шартномага қўшилди ва 50 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Илк бор 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга бағишланган Бош келишув имзоланди.

2014 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, унинг ижтимоий шериклари, яъни Касаба уюшмалари Федерацияси Кенга-

ларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлашга хизмат қилди. Қонун амал қилган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзолигига (1992 й.), Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро касаба уюшмалари ташкилотлари Конфедерацияси ассоциацияланган аъзолигига (2015 й.) қабул қилинди. Шунингдек, республика касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи 16 та халқаро шартномага қўшилди ва 50 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Илк бор 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга бағишланган Бош келишув имзоланди.

2014 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, унинг ижтимоий шериклари, яъни Касаба уюшмалари Федерацияси Кенга-

ши ва Савдо-саноат палатаси иштирокида Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро англашув Меморандуми имзоланиб, Ўзбекистон Республикасида 2014 — 2016 йиллар учун Муносиб меҳнат дастури тасдиқланди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тизимининг шаклланиши, жамиятда улар ролининг тобора кучайиб бораётгани, ижтимоий шериклик концепцияси асосида бугунги кун талабларига мос келувчи миллий ҳуқуқ тизимининг изчил ривожланиши қонуний тақомиллаштириш заруратини юзага келтирди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бошлаб Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси сифатида ташкилотнинг 8 та асос солувчи Конвенциясида 7 тасини ратификация қилганини алоҳида қайд этиш лозим.

1948 йилда қабул қилинган «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида»-ги 87-сонли Конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида акс эттирилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг умумэтироф этилган нормаларига содиқлигини, ҳар бир инсоннинг бирлашиш, шу жумладан касаба уюшмаларини тузиш ва уларга аъзо бўлиш ҳуқуқини кафолатловчи омил бўлиб, мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар билан, энг аввало, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ў (3).

БУГУННИНГ НАФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ 43-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ў(1).

Ана шу таълим масканлари орасида XVI асрда бунёд этилиб, мамлакатимизда илм-фани кенг ёйишга хизмат қилган Бухородаги Мир Араб ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бор.

Этмиш йил ҳукм сурган коммунистик тузум даврида Ўзбекистондан бор-йўғи 130 киши Ҳаж амалини бажарган бўлса, бугунги кунда ҳар йили Ўзбекистонлик беш мингдан зиёд киши ўзининг эзгу орзуси ва мусулмонлик бурчини адо этмоқда. Уша пайтларда кўп миллионли республикамизда атиги 30 та масжид бўлган, бугун эса мамлакатимизда минглаб масжидлар фаолият юритмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида тарихий ислом ёдгорликлари, муқаддас қадимжолар қайта тикланди. Уларнинг аксариятини сиз, азиз меҳмонларимиз Ўзбекистонда ташрифингиз давомида зиёрат қилиш имконига эга бўласиз.

Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покликни, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, эъзру хурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Хурматли сессия қатнашчилари! Ўзбекистонда мустақил ва кучли давлат қуришдан асосий мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланганидан ва хурмат қилинадиган адолатли жамият барпо этишидир. Айна вақтда мусулмон олами ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнимизни янада мустаҳкамлашдир.

Бу, аввало, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини биз яхши англаймиз. 1997 йилда қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши самарасида мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилинди, замонавий узлуксиз таълим-тарбия тизими яратилди.

Бугун барча ўғил-қизларимиз ўн икки йиллик бепул мажбурий таълим билан қамраб олинган. Улар 10 мингта реконструкция қилинган ёки қайта қурилган кенг ва ёруғ мактаблар, 1,5 мингта академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида билим олмақда. Қарийб 300 та мусика ва санъат мактаби, 2 минг 200 дан ортиқ спорт объекти болаларимиз иштирокида.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда

мизда олий ўқув юртлири сони 2,5 баробар кўпайди. Бугунги кунда олий ўқув юртлиримизда 230 мингдан зиёд талаба билим олмақда. Ўзбекистонда етти та ҳорижий етакчи олий ўқув юртининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Истеъдодли ёшларимизнинг минглаб вакиллари дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил олмақда.

Мамлакатимизда давлат бюджетининг ялли ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда ёшлар ҳақида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга давлат сиёсатининг энг асосий ва устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Чунки ёшлар — бизнинг келажагимиз. Бу соҳадаги давлат сиёсатини янада чуқурлаштириш учун яқинда Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Буларнинг барчаси бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзгу ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлайди.

Хонимлар ва жаноблар! Биз бугун инсоният тараққиётининг, таъбир жоиз бўлса, кескин бурилишлар рўй бераётган тарихий босқичда яшамолдамиз.

Кейинги йилларда Ер юзиде кескин геосиёсий ўзгаришлар рўй бериши, халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида динчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмилий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда.

Бошланасиз қолиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон юрган одамлар оғир мусибатларни босдан кечирмоқда, қуроли қарама-қаршиликлар ва терроризм оқибатида гуноҳсиз болалар, кексалар, хотин-қизлар ҳалок бўлаётди. Охири кўринмайдиган урушлар тудайли кўллаб мамлакатлар вайронага айланмоқда.

Бундай шароитда Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлари мусулмон оламида тинчлик ва

хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизмларини, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалар юзасидан мулоқот қилиши учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган Ислам ҳамкорлик ташкилотининг роли ва масъулияти янада ортимоқда.

Ташкилот мустаҳкам барқарорлик ва хавфсизликка иқтисодий тараққиётсиз, ижтимоий хусусиятга эга муаммоларни ҳал этмасдан эришиб бўлмағлини тушуниган ҳолда фаолият юритаётганини биз юқори баҳолаймиз. Ислам ҳамкорлик ташкилотининг фаолият кўламини янада кенгайтириш зарурати юзага келмоқда.

Бу борада мамлакатлар ва халқлар ўртасида турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, нафақат ҳуқуқматлар, балки парламентлар, илм-фан ва маданият намояндалари, жамоатчилик вакиллари ўртасида тизимли алоқаларни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутуши зарур. Айнан мана шу мақсадлар Ислам ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кучайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлиги кенгашининг раиси сифатида ташкилот салоҳиятини янада кучайтириш ва эзгу мақсадларга эришишда ўз хиссасини қўйиш учун барча имкониятларини ишга солиди.

Ўзбекистон Кенгаши раислиги даврида мусулмон давлатларининг самарали ва нуфузли форуми сифатида ташкилот ролини мустаҳкамлашга ҳаракат қиладди.

Ўзбекистоннинг раислигида ўтаётган ушбу анжуманининг «Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» шiori бизнинг устувор йўналишларимизни аниқ ифода этади. Уларнинг энг муҳимлари қўйиладиганлардан иборат:

Биринчи. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичи айланган бугунги шароитда тараққиётнинг муҳим омилли сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар, аввало, ижтимоий қадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда.

Шу нуқтаи назардан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо хиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг омаллаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу масала ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини

кучайтириш, барча жамиятларда ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига Ислам динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун муҳимдир. Шунингдек, бугунги кунда халқаро миқёсда конференциялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш, тинчлик ва тотувликка эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи. Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Айнан шунинг учун илм-фан ва техникани янада ривожлантириш, Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ташкилотининг фаолиятида муҳим ўрин эгаллаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Ислам ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳамкор мамлакатлар билан илмий-технологик алмашини фаоллаштириш, турли илм-фан соҳаларида қўшма тадқиқотлар ўтказишни тақдир этади.

Шубҳасиз, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ҳамкорлигини Ислам тараққиёт банки фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин.

Фурсатдан фойдаланиб, 2016 йил 1 октябрдан эътиборан Ислам тараққиёт банкининг президенти этиб сайланган Бандар Ҳажар Жаноби олийларини кутлашдан мамнунман.

Учинчи. Хавфсизлик муаммоси ўта кескин ва фожиали тус олаётгани барчамизни ташвишга солаётганини таъкидламоқчимиз.

Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, урушлар, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда сая-ҳаракатларни бирлаштириш тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мавжуд ёки юзага келаятган зиддият ва тўқнашувларни тинч йўл билан, музокаралар, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида сиёсий-дипломатик ҳамда халқаро-ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган ҳолда ҳал этишга эришиш энг муҳим вазифадир.

Тўртинчи. Ислам олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий,

молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қиладди.

Шу муносабат билан бу борада Ислам ҳамкорлик ташкилоти доирасида, шунингдек, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ҳудудидаги давлатларнинг дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ҳамкорлик механизмида турли тақомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бешинчи. Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб ҳамда мамлакатимизнинг Ислам ҳамкорлик ташкилотидаги раислик даври учун тақдир этилаётган устувор мақсадлардан бирининг ижроси контекстида давлатимизнинг айрим ташаббусларини эълон қилмоқчиман.

Биринчи ташаббуснинг моҳияти нафақат ислом маданияти, балки умумбашарий цивилизацияга беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг кўп қиррали диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишдан иборат.

Бундай марказнинг Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қошида яратилиши мантикий иш бўлур эди. Буни бир қатор қулай омиллар тақозо этмоқда:

Биринчидан, Самарқанднинг мусулмон маданияти дурдоналаридан бири эканлиги билан боғлиқ дунё цивилизациясидаги мумтоз ўрни; **иккинчидан,** энг буюк мусулмон мутафаккирларидан бири, барча муҳаддислар пeshвоси Имом Бухорийнинг табаррук мақбараси жойлашган ушбу минтақага хос бўлган алоҳида маънавий-руҳий муҳит.

Тақдир этилаётган тақдирот маркази Ислам ҳамкорлик ташкилоти ҳомиёлигида «Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар маркази» деган улугвор ва рамзий номга эга бўлиши мумкин бўлур эди.

Умид қиламизки, бизнинг ушбу ташаббусимизни Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Бош қотиби Ияд Маданий Жаноби олийлари кўллаб-қувватлайдилар ва бу лойиҳани амалга оширишда керакли кўмакни берадилар.

Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг махсус кафедрасини Тошкент ислом университети тарихида ташкил этиш билан боғлиқдир.

Янги кафедра фаолиятининг асосий йўналишини мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги

ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқиш ташкил этиши мумкин бўлур эди.

Хурматли дўстлар! Мазкур анжуманимиз ва сизларнинг Ўзбекистонга ушбу ташрифингиз давомида Ватанимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан танишишингиз туризм, гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди, деган умиддамиз. Бу борада биз ўз томонимиздан ташкилотга аъзо мамлакатларнинг туристлари ва вакиллари диёризмизга келиб-кетиши билан боғлиқ расмиятичиликларни соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўрамиз.

Олтинчи. Оммавий қирғин қуролли тарқатмаслик муаммоси бугунги кунда энг кескин масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон 1993 йилдаёқ Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш ташаббусини илгари сурган. Мазкур ташаббус Ўзбекистон ва қўшни давлатлар томонидан 2006 йилда имзоланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги шартнома, шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий бешта аъзоси 2014 йилда имзоланган Кафолатлар тўғрисидаги протоколда ўзининг амалий ифодасини топган.

Ўзбекистон ядро қуролидан холи ҳудудлар кўламини изчил кенгайтириш тарафдори ва Яқин Шарқда ҳам ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш гоёсини кўллаб-қувватлайди.


Ўзбекистон ташкилотга аъзо мамлакатлар ва, умуман, мусулмон олами хавфсиз ва фаровон давлатларга айланишига ишонди.

Муҳтарам сессия қатнашчилари! Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси халқаро майдонда ташкилотимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва унинг обрўсини ошириш, олдимизда турган умумий вазифаларни самарали ҳал этишга хизмат қилишига ишонманам.

Сўзимни якунлар эканман, сизларни Шарқ дурдоналаридан бири бўлган Самарқандга тақдир этишдан мамнунман. Самарқандда бебаҳо тарихий-маданий объектларни ўз кўзингиз билан кўриш, халқимиз ҳаёти, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларимиз, олий ўқув юртлиримиз фаолияти билан бевосита танишишингиз мумкин.

Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси ишга муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.



Самарқандга ташриф: ҳайрат ва ҳавас

Ў(1).

— Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида жуда катта тайёргарлик кўрилгани ва анжуман юқори савияда ўтганини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди Ироқ ташқи ишлар вазири ўринбосари Умар Берзинжи. — Тадбир доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги муқаддас қадимжолар, таълим масканларига уюштирилган сەҳнатлар бизда улкан таассурот қолдирди. Айниқса, ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд шаҳри, Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш имконияти яратилганидан бениҳоя хурсандимиз. Бу сафар ҳаётимизда, шубҳасиз, унутилмас воқеа бўлиб қолади. Буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳазратлари мангу ором топган масканнинг шундай кўркем ва улугвор салобатидан ҳайратга тушидик. — Ўзбекистонда муқаддас зиёратгоҳлар, масжидларни обод этиш, уларни ас-

раб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳар қанча таҳсинга сазовор, — дейди Мали ташқи ишлар вазири ходими Бен Азиз Рақони. — Бу давлатининг ушбу соҳага алоҳида эътибор кўрсатаётганидан далолатдир. Халқаро анжуман доирасида энг катта орзуларимдан бири ушалаб, муҳаддислар султон Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш насиб этгани учун Яратганга беҳисоб шукроналар айтаман. Мажмуанинг ўзига хос миллий архитектураси, ободлигини кўриб лол қолдим. Ушбу масканга яна келишни ниёт қилдим. Самарқанд автомобилсозлик коллежидеги таълим жараёнлари билан танишув чоғида мамлакатимизда Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида халқаро андозларга мос миллий таълим моделини яратиш борасида оламшумул ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши,

«Таълим тўғрисида»ги ва соҳага оид бошқа қўнулар асосида замон талабларига ўла жавоб берадиган миллий таълим тизимига асос солинди. Айни пайтда дунёнинг кўплаб минтақаларида болаларнинг ўқиши оғир муаммога айланган бораётган бир пайтда Ўзбекистонда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ўз ичига олган, давлат томонидан қафолатланган 12 йиллик бепул мажбурий таълим тизими жорий этилди. Бунинг натижасида мамлакатимиз ёшлари билим олиш билан бирга, касб-хунар эгаллаб, жамиятга ўз ўрнини топмоқда. Мазкур муассасалар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида экани меҳмонлар томонидан алоҳида эътироф этилди, ўрганса арзиғулик тажриба сифатида қайд этилди. — Автомобилсозлик бўйича тўрт йўналишда ўндан ортиқ мутахассислар тайёрланадиган мазкур муассасада ўқувчи-

ларнинг билим олиши, касб-хунар ўрганиши учун яратилган шароит олий ўқув юртлири даражасида экани эътиборимиз тортди, — дейди Иорданиянинг Ислам ҳамкорлик ташкилотидеги вакили Маждид Талжи. — Бу Ўзбекистонда давлат томонидан таълим соҳасига бўлган жуда катта эътибор самарасидир. 17-18 ёшли йигит-қизларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиб, автомобилсозликнинг мураккаб жараёнларини пухта ўрганаётганини ҳавасимизни келтирди. Коллеж битирувчиларининг асосий қисми Самарқанддаги автомобил заводлари ва уларга техник хизмат кўрсатиш марказларида ишлаётгани янада эътиборлидир.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейга ташриф буюрган меҳмонларга муассаса ўқувчилари бу ерда яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида сўзлаб берди. Бир неча ҳорижий тилларда эркин суҳбатлашган ёшларнинг билими, интилиш ва шижоати меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Аниқ, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар, ҳорижий филология йўналишларида 1350 ўқувчи таълим олаётган ушбу академик лицейнинг 3 нафар қизи Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. Кейинги беш йилда ўнга яқин ўқувчи халқаро фан олимпиадаси голибчилигини қўлга киритган. 50 дан ортиқ йигит-қиз мамлакат ва халқаро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этган.

— Ўзбекистон заминидан диний ва дунёвий илмларда жаҳонга машҳур аломулар етишиб чиққанини яхши биламиз, — дейди Гамбиянинг Ислам ҳамкорлик ташкилотидеги вакили Умар Саллох. — Уларнинг буюк хизматлари ҳамон ҳайрат ва ҳавас билан ўрганилади. Бугун замонавий таълим масканларида тахсил олаётган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрларини эшитиб, бу табаррук юртда улуг аждодларига муносиб авлодлар камолга етаётганига амин бўлдик. Бундай авлод буюк ишларга қодир.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
У.А.МУХИРОВ,
Алишер ИСРОИЛОВ
(У.А) олган суратлар.

Ўзбекистон маданияти Жанубий Кореяда намойиш этилди

Ў(1).

Ўзбекистонда корейс тили, маданияти ва санъати, Жанубий Кореяда эса ўзбек тили, халқимиз тарихи ва маданияти кенг ўрганилмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртлири Корея Республикасининг ўттиздан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётди. «Ўзбекистон — Корея» дўстлик жамияти халқаро-иқтисодий дўстлик ришталари ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётди.

«Itaewon Global Village Festival — 2016» халқаро фестивалида турли мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, қадрият ва аънавалари, миллий либослари, таомлари, хунармандлик ва амалий санъат намуналари намойиш этилди. Санъаткорлар ижросида мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлар янгради.

Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси томонидан ташкил қилинган «Ўзбекистон» миллий тенди ўзига хос дизайн, безаклари ва мазмунан бойлиги билан фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари эътиборини тортди. Унда мамлакатимиз тарихи, халқимизнинг миллий аънава ва қадриятлари акс этди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент ва бошқа шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларига оид маълумотлар, халқ хунармандлиги буюмлари ҳорижликларда катта қизиқиш уяғотди. Миллий куй-қўшиқларимиз ва рангбаранг рақслар ижроси, серкўёш забинимизда етиштирилган сархил мевалар ҳамда ўсимек миллий таомлари барчага манзур бўлди.

— Мен турфа халқлар урф-одат ва аънаваларига, маданияти ва маънавий меросини ўрганишга жуда қизиқман, — дейди норвегиялик сайёх Сигрид Женсен Стромнес. — Фестивал асосида Ўзбекистон ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни билиб олдим. Мамлакатимизнинг гўзал табияти, қадимий ва замонавий шаҳарлари, миллий урф-одатларининг, тансиқ таомларининг менга жуда ёқди. Ўзбекистонга албатта саёҳат қиламан.

«Itaewon Global Village Festival — 2016» халқаро фестивали жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз санъат, маданият, сайёхлик соҳаси имкониятлари билан кенг таништириш, икки ва кўптомонама маффаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш, дўстона ришталарни янада мустаҳкамлаш имконини беради.



ИЗЧИЛ ва самарали фаолият манфаатлар устуворлигини таъминлайти

Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши касабга уюшмалари эркинлигининг кафолатларини мустаҳкамлаш, Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенцияларини миллий қонунчиликка самарали имплементация қилиш ҳамда ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар сифати ва самардорлигини янада оширилади.

Раёсат иштирокчилари томонидан ҳисобот даврида фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилгани қайд этилди. Чунонки, ўтган даврда меҳнат-кашлардан тушган 5 минг 300 га яқин мурожаат қилиб чиқилиб, 1052 нафар шахснинг меҳнат ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, тизимдаги «Ишонч телефонлари»га ҳамда ҳудудий бирлашмаларда ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхоналари»га мурожаат этган 480 дан зиёд янги тадбиркорлик субъектлари фаол бўлишга эришилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида бошлангич касабга уюшма ташкилотлари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида жамоа шартномалари орқали олий ўқув юрларида тахсил олаётган 1 минг 804 нафар талабга шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди. 1 минг 432 та корхонада 10 мингдан зиёд ёш ходим бошқа касба ўргатилади ва малака оширилди. 1 минг 663 та корхона ва ташкилотда эса олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларига ўз касбининг сир-асрорларини ўргатаётган 3 минг 229 нафар устоз-ҳодим рағбатлантирилди. Шунингдек, 1 минг 426 нафар ходимга сафарбарлик захирасидagi ҳарбий хизматга қақричилиши муносибати билан фойсиз сусулар берилишига, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тугатиб, корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган 1 минг 80 нафар ёш мутахассисга қўшимча ҳақ белгиланишига эришилди.

Жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг қарийб 80 фоизи амалга оширилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, иш берувчиларга тақдимномалар киритилди. Шунингдек, қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ўзбекнефтгаз» Миллий ҳолдинг компанияси тизимидаги технологик резервуар парklar, нефть қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш корхоналари, компрессор станциялари, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш бўйича мониторинг ўтказилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қўмаклашиш доирасида ҳисобот даврида касабга уюшма фаоллари томонидан жойларда яратилган янги иш ўринларининг ҳаққонийлиги бўйича жамоатчилик назорати олиб берилди. Хусусан, корхона ва ташкилотларда 136 мингдан зиёд янги иш ўринлари ҳақиқатда яратилгани ўрганилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига маълумотлар тақдим этилди. Ижтимоий муҳофазатлаб ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринларига 53 минг 304 нафар фуқаронинг жойлаштирилишига қўмаклашилди.

Раёсат йиғилишида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан касабга уюшмалари томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўринларини яратиш бўйича манзилли дастур асосида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил этилди. Таъкидланганидек, мазкур йўналишларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида жойларда 4 минг 524 та янги иш ўрни яратилиб, уларда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлиги таъминланди. Шунингдек, ўтган даврда ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида касабга уюшмалари ҳам фаол иштирок этди. Уларда 40 минг 838 нафар фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

Жорий йилда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳудудий келишувларини экспертизадан ўтказиш жараёнида кичик бизнес субъектлари учун қонунлар билан белгиланган имтиёз ва преференцияларнинг муқаррар равишда берилишини таъминлашга оид мажбуриятлар киритилгани ҳам аҳамиятлидир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган имтиёзлар, миллий ва халқаро меҳнат стандартларини жорий этиш, касабга уюшмалари аъзолик афзалликлари юзасидан тарғибот ишларини ташкил этиш мақсадида жойларда ҳудудий адлия бошқармалари, Савдо-саноат палатаси бўлимлари вакиллари иштирокида 9,7 минг нафардан ортиқ кичик бизнес субъектлари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ҳисобот даврида 25 мингдан ортиқ ҳўжалик субъектларида меҳнат қилаётган 147 минг нафардан зиёд ходимлар касабга уюшмалари аъзолигига олиниб, ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Касабга уюшмалари «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури» бажарилишида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Меҳнат ва Адлия бошқармалари билан ҳамкорликда 3 мингга яқин корхона ва ташкилотларда ёш мутахассислар учун давра сўхбатлари уюштирилди. Федерация Кенгаши томонидан қатор мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ёш мутахассислар» IV республика Форуми, «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» ва «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танловлари ўтказилди.

Республикада тинчлик ва оқсоқилликни сақлаш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг моҳиятини, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурларининг аҳамиятини ходимлар, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш ва тарғибот этишда корхона ва ташкилотларда ҳар ойда ўтказилаётган «Маънавият соатлари» муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Касабга уюшмалари — ҳарбийларга», «Касабга уюшмалари — аёлларга», «Касабга уюшмалари — болаларга», «Касабга уюшмалари — ёшларга» акциялари доирасида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди. 4,3 минг нафардан ортиқ уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига, жангчи-фахрийларга байрам совғалари берилди. 208 нафар ишлайдиган кексалар касабга уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан меҳнат жамоаларида «Гўзал ва бетакроримсан, муқад-

дас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шiori остида 4 мингга яқин тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, меҳнаткашлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларни спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб этиш мақсадида ходимлар ва уларнинг oila аъзолари ўртасида ташкил этилган республика оилавий спорт мусобақаларида корхона-ташкилотлардаги 100 мингдан зиёд оилавий жамоалар қатнашди. Хаваскор велоспортчилар ўртасида «Касабга-тур» веломарафони, вазирик, идора ва ташкилотлар ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича касабга уюшмалари Федерацияси кубоги учун республика мусобақаси ўтказилди.

Ўтган даврда Касабга уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийларда 83 минг нафардан зиёд аҳоли вакиллари соғломлаштирилишига эришилди. Уларнинг қарийб 50 фоиздан ортиги имтиёзли равишда ўз саломатлигини тиклади. Санаторийларда замон талабларига жавоб берадиган шароитларни яратиб мақсадида Даволаш-профилактика маркази учун қўшимча 30 ўринли ётоқхона биноси, «Турон» санаторийсида 350 ўринли ошхона, «Умид гулшани» санаторийсида ошхона ва маданий тадбирлар зали барпо этилди. Янги «Термиз марвариди» санаторийсини қуриш, «Ситорай Мохи Хоса» санаторийсини жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2016 йилга мўлжалланган Манзилли дастур доирасида эса «Автомобилчи», «Сурхон-Бешбулак-Шеробод» оромгоҳларини реконструкция ҳамда янги «Амурдари соҳили» оромгоҳида қурилиш ишлари бажарилди. Шунингдек, ёзги мавсумда мутасадди вазирик билан идоралар билан ҳамкорликда 1 минг 214 та оромгоҳда жами 303 минг 650 нафар бола соғломлаштирилди.

Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, тизимга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар ҳам тизимли равишда олиб борилаётган. Оммавий ахборот воситалари орқали касабга уюшмалари томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида олиб борилган ишлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратилди. Касабга уюшмалари комплекс интеграллашган ахборот тизимининг ахборот ресурсларини шакллантириш дастурий таъминотини яратиш ишлари яқундаги ҳамда тез режимда ишга туширилди.

Раёсат йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунини касабга уюшмалари тизимида амалга киритиш ҳақидаги масала қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўзига хос ривожланиш имкониятини яратиб бермоқда. Шу ўринда барча соҳалардаги, жумладан, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, кимё, металлургия, машинасозлик, энергетика, махсуслотларни қайта ишлаш, маданий-маърифий жабҳаларда, темир йўл ва авиация тизимидаги туб ўзгаришларни қайд этиш мумкин. Янгидан-янг ишлаб чиқариш корхоналари, автомобилсозлик, кимё, энергетика, нефтни қайта ишлаш соҳаларида республикамиз нафкат Марказий Осиёда, балки жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлиб бораётир. Шундан келиб чиққан ҳолда турли муассаса, корхона, ташкилотларда хизмат қила-

ётган минглаб ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, касб касаллигига чалинишининг олдини олиш ҳамда меҳнатини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш касабга уюшмаларининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолиши, бу борадаги ишлар қўламининг янада кенгайтирилиши таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмалари ҳамда тармоқ касабга уюшмалари Республика кенгашлари иштирокида тузилган жамоа келишувларнинг мазмуни ва бажарилиши масаласи ҳам йиғилиш иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Жумладан, касабга уюшмалари тармоқ Республика кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан жамоа музокараларини олиб бориш натижасида меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш, ижтимоий кафолатлар белгиланган, бу борада халқаро меҳнат меъёrlарига янги эътибор бўйича мажбуриятларни ўз ичига олган жамоа келишувлари қабул қилиниши ва бажарилишига эришиб келаётгани қайд этиб ўтилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий келишув, тармоқларда республика миқёсида 94 та тармоқ келишув амал қилмоқда. Вазириклар Маҳкамаси, Касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014 — 2016 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув асосида тармоқ (тариф) ва ҳудудий (минтақавий) келишувларга ходимлар манфаатларини таъминлашга қаратилган аниқ меъёrlар киритилгани ва амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари жамоа келишувларини тузиш чоғидаги мажбуриятларда ўз ифодасини топмоқда. Бунда барча погоналарда аҳолини, айниқса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлашга қўмаклашиш, янги иш ўринларини барпо этиш, ижтимоий ҳимоя-талаб шахсларни ишга жойлаштиришга қўмаклашиш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани эътироф этилди. Келишувларда ходимларнинг иш ва дам олиш вақти масалалари алоҳида ўрин эгаллагани, йил сайин мазкур локал ҳужжатларнинг тақомил топиб бораётгани таъкидланди.

Ўтган даврда Ўзбекистон касабга уюшмалари томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури, унинг асосида ишлаб чиқилган Федерация Кенгашининг тадбирлар дастури ижросини таъминлашга катта аҳамият берилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси тайёрланишида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинди. Касабга уюшмаларининг «Ишонч телефон»лари орқали 633 нафар аёлга ҳўқуқий маслаҳатлар берилди. Республиканинг чекка қишлоқ туманларида яшовчи оилалардаги 4 минг нафардан зиёд хотин-қиз Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган электр-маърифий техника жиҳозлари билан таъминланди. Эҳтиёжманд оилалардан бўлган 336 нафар аёл, таълим ҳамда тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган ходимлардан 280 нафари касабга уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилди. Фарзандталаб ёш оилаларнинг 147 нафар ишлайдиган аъзоларига «Умид гулшани» санаторийсига йўлланмалар ажратилди.

Шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида са-

наторийлар атрофида жойлашган маҳаллардаги 1 минг 71 нафар оналар ва болаларни ташхиллаш, амбулатор шароитда соғломлаштириш ҳамда корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 2 млн. нафардан ортиқ хотин-қизни тиббий қўриқдан ўтказиш ишлари амалга оширилди. Тизимдаги «Турон», «Умид гулшани», «Термиз марвариди», «Оқтош» санаторийларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, санаторийлардаги мавжуд «Она ва бола» бўлимларида оилавий дам олиш ва болалар учун барча шароит яратилди.

«Касабга уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида республиканинг турли ҳудудларидаги 17 та таянч мактаб-интернатга, хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар ходимларининг оилаларига ҳўимийлик ёрдами кўрсатилди. 12 минг нафар биринчи синф ўқувчилари ўртасида тозалик ва озодлик — соғлом турмуш тарзи гарови эканлигини тарғиб этиш мақсадида санитария-гигиена воситаларидан иборат тўпламлар ҳадя этилди. Шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, иқтидорли ўқувчилар ва эҳтиёжманд оилаларнинг 13 минг 989 нафар фарзандининг музейлар, маданият ва истироҳат боғчалари, театрларга ташрифи, 1 минг 228 нафарининг «Биз Мустақиллик фарзандларимиз» шiori остида тарихий шахарларга саёҳати ташкил этилди.

Раёсатда касабга уюшмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тақомиллаштириш давр талабидан келиб чиққан ҳолда ўта долзарб аҳамият касб этиши айтиб ўтилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси доирасида 2015 йил 21 апрелда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан «Касабга уюшмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Федерация Кенгаши ҳузурида ташкил этилган Юридик клиника қошида «Call-center» («Қўнғирқоқлар маркази») фаолияти йўлга қўйилиб, ўтган йил сентябрдан «Ўзбектелеком» АК технология базаси негизида республика бўйича ягона «1092» қисқартirilган телефон рақами орқали мурожаатлар қабул қилинмоқда.

Жорий йилдан «Call-center» самардорлигини янада ошириш мақсадида «Овозли хабар» хизмати ишга туширилди ва бу хизмат орқали техник сабабларга қўра жавоб беришнинг имкони бўлмаган фуқароларнинг мурожаатларини ёзиб қолиш имконияти пайдо бўлди.

Қувонарли томони, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, айнаи мураббатдор шахслар томонидан мурожаатлари ҳал этишда йўл қўйилаётган сансалорликларга чек қўйиш, улар масъулиятини ошириш ва ҳўқуқбузарликларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида 2016 йил 25 сентябр кундан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам виртуал қабулхона тизимида уланган бўлиб, тизим орқали бугунги кунгача ижтимоий-меҳнат соҳасида 49 та мурожаат қабул қилинди.

Федерация Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушаётган мурожаатлар билан ишловчи масъул ходим тайинланди. Келиб тушаётган мурожаатларнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида виртуал қабулхона орқали келиб тушган ҳар қандай мурожаат бўйича шахсан биринчи раҳбарнинг масъулиги белгиланди.

Мамлакатимизда электрон шаклда мурожаат қилишнинг ҳўқуқий ва техник асослари мустаҳкамлангани натижасида ортиқча оворгарчилик ва бюрократизмга барҳам берилаётганлиги бугунги кунда ўз исботини топмоқда. Шундан келиб чиқиб, мурожаатлар билан ишлаш соҳасида ахборот технологияларини кенг тарғиб этиш мақсадида жорий йилдан касабга уюшмаларнинг ягона ва марказлашган мурожаатлар билан ишлаш онлайн дастури («murojaat.kasaba.uz») ишга туширилди. Дастур орқали мурожаатларнинг натижаси бўйича ҳисоботлар автоматлаштирилган тарзда тайёрланиши сабабли, Федерация тизимида ҳисобот топириш амалиёти бекор қилиниб, электрон ҳужжат айланмаси йўлга қўйилди.

Раёсат йиғилишида замон билан ҳамнафас бўлиш, бунинг учун фаолият самардорлигини янада ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, эртанги кунга ишонч билан меҳнат қилиш масаласи доимий диққат марказида бўлиши, бу гадаги вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлаш алоҳида қайд этилди. Шунингдек, фаолиятга оид яна бир қатор масалалар қўриб чиқилди. Йиғилиш якунида муҳокама этилган баъза масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари, Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири, Иқром ҲАСАНОВ олган сурат.

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мўлкнинг бошланғич баҳоси ошииб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

2016 йил 21 ноябр кунин соат 11:00 да Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112-«А» уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судининг 09.08.2016 йилдаги 23-1603/6289-сонли ҳал қилув қарорига асосан Банкрот деб топилган «Шыбай АТТ-40» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 17.10.2016 йилдаги 4-сонли йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 17.10.2016 йилдаги 49-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги қўчмас мулк бино-иншоотлари, автотранспорт воситалари ҳамда товар ва моддий бойликлари билан биргаликда муқассам яхлит ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси: 1 745 246 013 (Бир миллиард етти юз қирқ беш миллион икки юз қирқ олти минг ўн уч) сўм.

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани, Дўстлик гузарини.

Талабдорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртмасида «Аукцион тақимлотчиси» томонидан расмий иш қуллари Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112-«А», 111-хона манзилида ва Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида 2016 йил 18 ноябр кунига қадар (байрам ва дам олиш кунлари қўрилган) олдидан 09:00 дан 18:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоси қўлибига 20 кун муддатда олди-сўтди шартномасини тузиш мажбурияти юқлатилган. Сўтқич томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сўтди шартномаси тузилганда белгиланди.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдор ёки унинг ваколатли вакили хабарномада қўрсатилган муддатда шахсан ёки алоқа воситалари орқали аукцион ташкилотчиси аўкционда қатнашишига икки нусхада буюртмани тақдим қилади ва бу хизмат орқали ҳужжатларни илова қилади.

Юридик шахслар учун — давлат райкатидан ўтказилганлиги тўғрисида тўғрича ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ишоннома, буюртмани ваколатли вакил топиридан тақдим қилинган ишоннома тасдиқловчи ҳужжат унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, буюртмани ваколатли вакили топиридан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ишоннома ёки қонуний вакилининг тасдиқловчи ҳужжат, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Тақдим қилинган ҳужжатларнинг бари барқарор тартибда тақдим этилиши билан (жисмоний шахслар учун) ҳамда талабдорнинг имзоси ва муҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланиши шарт.

Талабдорлардан аукцион ташкилотчиси билан ақвалат пули тўғрисида келишув шартномасини тузишда ҳар қандай қўшимча тақдим этилган 15 фоизи миқдоридagi зақалат пулларини тўлашлари сўралади.

Зақалат тўлови учун реkvизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP-MSCJ, x/p: 20208000700234560001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Қўриқчи шўба минтақавий филиали МФФ: 00452, СТНР: 207186573.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP-MSCJ»

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Лицензия: RP-0170, тел: 0 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилмаси: www.rcg.uz e-mail: rcrg@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.

«KOSMAS MULK MANAGEMENT KONSALTING» МЧЖ Бухоро вилояти филиалида 2016 йил 14 сентябрда бўлиб ўтган аукцион савдолари натижаси

Коровулбозор тумани, «Жаркок» ҚБҲ, Жаркок қишлоғи ҳудудидagi таъмирланган ўз-ўзи қуриш учун сати 400,0 кв.метр бўлган ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод ағалик қилиш ҳўқуқи.

3-сон ер участкаси бошланғич баҳоси 361 920 сўм сотилиш баҳоси 1 800 000 сўм, 4-11-19-29-сонли ер участкаси ҳар бирининг бошланғич баҳоси 361 920 сўм сотилиш баҳоси 1 400 000 сўмдан, 6-8-9-40-41-сонли ер участкалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси 361 920 сўм сотилиш баҳоси 1 000 000 сўмдан, 7-15-16-17-18-24-42-44-47-сонли ер участкалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси 361 920 сўм сотилиш баҳоси 1 200 000 сўмдан, 4-11-19-29-сонли ер участкалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси 361 920 сўм сотилиш баҳоси 1 800 000 сўм, 39-сонли ер участкаси бошланғич баҳоси 361 920 сўм сотилиш баҳоси 2 400 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Молия муассасаларида

Тадбиркорлик равнақи учун

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат «Халқ банки» юртимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ишбилармонларга, оилавий тадбиркорларга ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор берилмаётган.

Реклама ўрнида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 5 октябрда имзоланган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармон хусусий секторни ривожлантириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, ва энг муҳими, халқимиз фаровонлигини янада ошириш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди, десак асло муболага қилмаган бўламиз. Ушбу ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаб, соҳани янада либераллаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Фармонга биноан тадбиркорлик субъектларига янги имтиёزلар тақдим этилади, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувага чек қўйилади. Текширишларни ўтказиш сони ва муддат қисқартирилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатлари камайтирилади.

Молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитлар жойларда, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани билан аҳамиятлидир. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, кам фойдали, имтиёзли, узоқ муддатли кредит маблағлари тадбиркорга қулай муҳит яратишининг бош омилларидан саналади. Биргина «Халқ банки» томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида 7 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига 1 трлн. 21 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоизга ўсишга эришилганлигини англатади. Жумладан, 5 мингга яқин тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 348,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Тадбиркорларга ҳукуратимиз томонидан имтиёз ва энгилликлар яратилиши билан бира, уларнинг фаолиятида юзага келаётган гов ва тўсиқларга барҳам бериш бўйича ҳам

қатор ишлар амалга оширилаётган. Бунинг натижасида ишбилармон аёлларнинг сони салмоқли даражада ошди, «Халқ банки» томонидан 2224 нафар тадбиркор аёлга 2,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган. Айниқса, коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини пухта ўргатиш, уларнинг ўқишни бтирмасданок иш ўринларига эга бўлишини таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилди. Банк томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида касб-хунар коллежларининг 1704 нафар битирувчисига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 36,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, натижада 2 мингга яқин янги иш ўринлари яратилгани фикримизни яққол тасдиқлайди.

З.КАРИМОВ, Андижон вилояти Избоскан тумани «Раҳматилло» чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари:

— Фермер хўжалигимиз фаолиятини яхшилаш ҳамда 2016 йилги манзилли дастур бўйича насли қорамоллар сотиб олиб, чорвачиликни ривожлантириш учун кредит олиш мақсадида «Халқ банки»нинг Избоскан туман филиалига бизнес-лоийҳамни тақдим этдим. Бизнес-лоийҳам қисқа муддатда ўрганиб чиқилиб, 490 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Мазкур кредит сабаб ишимиз кўламини анча кенгайтиб борди. Ҳозирги кунда ҳам молларимизнинг бозори чаққон. Ҳатто харидорлар уйимизга ҳам сўраб келишмоқда. Келгусида банк хизматларидан кенг фойдаланган ҳолда фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлаш ва қаймоқ қадоклаш цехларини ишга туширишни режалаштирганмиз. Натижада, яна бир қанча ёшларни муҳим иш ўринлари билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Б.ИСМОИЛОВ, Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги «PARNAS PHARM GROUP» МЧЖ раҳбари:

— Асосан дорихоналарга доридармон воситалари етказиб беришга ихтисослашган корхонамиз фаолиятини кенгайтириш, қўшимча янги иш ўринлари яратиш ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида «Халқ банки»нинг Яшнобод туман филиалига мурожаат этдик. Банкининг мутасадди ходимлари бизнес-лоийҳамимиз билан яқиндан танишган, қисқа муддатда 800,0 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу хизмат турлари орттишига туртки бўлди. Мазкур кредит эвазига хоридан зарур бўлган хомашё келтириб, фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Ҳозирда нафақат Тошкент шаҳрида, балки Фаргона, Андижон, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги мижозларимизга сифатли ва арзон нархларда етказиб бераёلمиз.



Бугунги кунда кўрсатаётган хизматларимиздан аҳоли мамнун бўлмоқда. Келажакда ушбу банк билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, ўз бизнесимизни кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ҳамда аҳоли учун сифатли маҳсулотлар етказиб беришни мўлжаллаганмиз. Режаларимиз амалга ошса, бир неча янги иш ўринлари вукудга келади.

Н.ХОДЖАЕВА, Хоразм вилояти Гурлан туманида Фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркор:

— Юртимизда нафақат иқтисодий-ётни ривожлантириш, балки аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугун хоҳлаган тижорат банкига борсангиз, тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, барча шaroит яратилган. Жорий йилда Гурлан туманидаги Ижтимоий иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежини битирдим. Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида «Халқ банки»нинг Гурлан тумани филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Бизнес лойиҳам маъқулланган, менга банк томонидан 75 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Мазкур маблағ ҳисобига нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуна ва дастохларни ҳамда ишлаб чиқариш хомашёси сотиб олиб, фаолиятимизни бошлаб юбордим. Ҳозирда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар узининг сифати ва беҳиримлиги билан харидорларга манзур бўлаётган.

Н.ХАЛДИБЕКОВА, Ангрэн шаҳрида Фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркор:

— «Халқ банки» Ангрэн шаҳар филиалидан жорий йил март ойида айланма маблағларни тўлдириш мақсадида 40 млн. сўм миқдорда кредит олган эдим. Ҳозирда аҳолини сифат-

ли ноозик ва озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келяпмиз. Мазкур кредит ҳисобига 2 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. Ишларим ўнгидан келиб, қисқа вақт ичида 2 млн. сўм даромад қилишга эришдим. Келажакда олинган кредитни вақтида тўлаб, банк билан ҳамкорликни янада кенгайтироқчиман. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режамиз бор. Агар шу режани амалга ошира оласак, бир неча янги иш ўринлари яраттишга муваффақ бўламиз.

Ж.ЕРНИЯЗОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Чибукличи Чарос» деҳқон хўжалиги раҳбари:

— Ўтган йили деҳқон хўжалигимизга «Халқ банки»нинг Тўрткўл тумани филиали томонидан 65 млн. сўм кредит маблағи ажратилган эди. Ушбу кредит эвазига чорвачиликни ривожлантирдик. Натижада касб-хунар коллежларини тамомлаган 3 нафар ёш доимий иш жойига эга бўлди. Ҳозирда олинган кредитни вақтида ёпиб, фаолиятимизни кенгайтириб, шунингдек, келажакда сутни қайта ишлаш цехини ишга тушироқчимиз. Албатта, бу борада ҳам «Халқ банки»нинг Тўрткўл тумани филиали хизматларига суянамиз. «Халқ банки» жорий йилда ҳам тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга бериладиган кредитлар салмоғини янада кўпайтирмоқда. Қўрақалпоғистон Республикаси томонидан олиб берилаётган ишларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фуқароларимизнинг ҳаёт фаровонлигини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Банк ахборот хизмати. Хизматлар лицензияланган.



Мулоҳаза

Негадир, ҳар йилги кўз мезгили ўзгача мўҳаббат касб этади. Гўё ушбу кўзга кўраётган ёшларимизнинг бўлавермади. Мўҳаббат... Ҳар йилги ўзгача таъриф этилади бу тўпунчапан. Инсонга юзаян баҳо бериб бўлмагани каби, кўзга ҳам шунчапан «Оқини кўз», дег таърифлаш ва ундаш перига ўтмаслик адолатдан эмас. Чўшпа бу қиссанинг барча сир-сирояти, кўзга кўраётган, таровати ушбу аёл мўҳаббатидир.

Соқин кўз...

Куз... Интиқлик билан кутганим бу фасл яна ўзига хос жозоба билан ташриф буюрди. У ҳар йили ўзгача тароват билан нафақат борлиққа, балки қалбимга ташриф буюргандек бўлади. Инсон умри тўрт фаслга қисқаради. Баҳор ва ёз сингари энг жўшқин ва хароратли бўлган даврини орта қолдириб, умр кузига етиб келган инсоннинг табиатида жиддий ўзгаришларнинг содир бўлиши табиий. Зеро, куз соқинлиги инсон таби-

атида ҳам содир бўлади. Ҳаётга тегаран қараш, мулоҳазақорлик, жиддийлик ҳукмронлик қила бошлайди. Нега? Чунки бу даврга келиб, инсон шахс сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам тўлиқ етилади. Умрнинг энг кульминацион даврини орта қолдириб, ўтмишига назар соларкан, ўз камчилиги ва ютуқларини таҳлил қилиб, ҳоли баҳо бера оладиган тажрибали инсонга айланади. Куз-чи? У ҳам етилган фасл. Пишиқчилик маҳсули бўлган ҳосил ва мўҳаббат ранг-баранглик кузнинг тароватини янада оширади. Инсон умрининг асл маҳсули ҳам умрининг маълум бир босқичида ўзини намоян қилади. Ҳаёт синовларида товланган инсон ортига назар ташлаб, нима учун дунёга келганини ва нималарга қодирлигини, ҳаётнинг мазмун ва мўҳаббатини янада теранроқ англаб этади.

Куз билан ўзи орасидаги ҳамоҳангликни хис қилган инсон бу соқин фасл билан унсиз сўхбатлашгиси келади. Баҳорни севардим, фақат баҳорни, Аммо бугун баҳорларимизга ҳамоҳандир куз. Сирли ёмғирларга тикилиб ўзоқ, Ҳаёл оғушида турибман ҳануз!

Куз... Баъзан шаррос ёмғирлари, кучли шамоллари ҳамда этни жунжиктирувчи салқин ҳавоси билан бизни шошириб қўяди. Аслида, бу ҳолатларда қандайдир ҳикматли сир мужжасам. Бу ҳолат мудраётган борлиқни ҳаракатга келтиради...Япроқлар чирт-чирт этиб узилади. Сўнгги япроқлар маъзунлик билан шабадада тебранди. Биз ҳам берасакланамиз. Ҳаётнинг муҳим омилли бўлган ҳаракатни ишга соламиз.

Атрофни кузатиб кўрамизки, тирик зот борки, ўнги сўлини йиғиб олишга киришади. Чунки ҳаётнинг сарҳисоб қилинадиган палласи етиб келган-да. Шамоллар бизни шоширади, ёмғирлар оғоҳлантириш баробарида, ўйга толдиради. Еҳуд нутганларимизни эсга солади, тугалланмай қолган ишларимизни тезроқ тугатишга ундайди. Ҳар бир фурсат, ҳар бир сония ганимат эканлигини уқтиради ва уни қўлдан бой бермасликка чорлайди.

Ва ниҳоят, шаррос қуяётган ёмғирлар яна тинади... Шамоллар секинлашади. Куз гўё сукот сақлашга ўтади. Соқинлик ҳукм сура бошлайди. Кузнинг мўҳаббатини англаган сари унга қалбан ошуфалигим ортади. Куз гўё

кўз олдимда донишманд қиёфасида намоян бўлаверди. Энг муҳими, у сўзламайди. Бироқ сонсаноксиз сўзлар билан ҳам англаш мушкул бўлган асл ҳақиқатни, қонуниятларни вазминлик ила англаверади-англаверади. У ҳарчанд гўборли, тўзонли бўлмасин, ҳар бир ҳолатида олам-олам маъно мужжасам. Гоҳо куз туманлари атроф-борлигимизни қураш олади. Бироқ у бизни адаштирмайди. Оёғимиз остидаги ерни кафтдек кўриб тураемиз. Атрофни қуюқ туманлар қоплагани сари қалбимизда ажиб бир умидворлик, иштиёқ, ва айна пайтда кучли бир журъатни хис қилаемиз. Туман эса зумда кўздан гойиб бўлади. Бу фаслнинг асл мўҳабати унинг туманида эмас. У, барибир, гўзал ва мафтункор. Бу гўзалликка қоришган соқинлик эса руҳиятимизга хуш ёқади. «Донишманд» куз эса ана шу сирлилик билан бизни мафтун қилишда давом этаверади...

Сайёра ШОДИЕВА

МУАССИС:

Ўзбекистон қасба уйушмалари Федератсияси

Бosh муharrir o'rinbosari:

Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmonov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43 Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Bukhoro ko'chasi, 24-uy E-mail: xatlar@ishonch-uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch» onlayn ma'lumotlarda namba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri ta'hiyiyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32 Andijon — (+998-91) 475-23-60 Buxoro — (+998-93) 653-50-81 Jizzax — (+998-91) 943-67-44 Namangan — (+998-90) 260-50-77 Navoiy — (+998-93) 314-13-03 Samarqand — (+998-97) 915-50-87 Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55 Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07 Farg'ona — (+998-91) 141-27-70 Xorazm — (+998-90) 719-48-00 Qashqadaryo — (+998-91) 4673-60-01

Navbatchi muharrir:

A.Abdullayev Navbatchi: D.Oripov Musahhili: S.Shodiyeva Sahifalovchi: H.Abdullalov

«Shear» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G — 1015. 13619 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB: «Ishonch» Banki «Ishonch» filialini, Bank kodini: 00950, STMP: 201133889, OKONX: 07100

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Boshiga topshirish vaqti — 23:20 Topshirildi: — 00:10 1 2 3 4 5 6